

уни кўрганда мана шу мени ҳалок қилади, дейди. Кейин ундан бу фитна кетади. Ва яна фитна бўлади. Мўмин киши: «Бу мени ҳалок қилади. Бу, мана бу мени ҳалок қилади», дейди. Ким дўзахдан узоқлашиб, жаннатга киришни истаса, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтириб ўлсин. Ва ўзига қандай муомала қилинишини яхши кўрса, одамларга ҳам шундай муомала қилсин. Кимки бир имомга қўлини бериб, чин қалбдан байъат қилган бўлса, қодир бўлгунича итоат этсин. Агар иккинчи имом чиқиб, ўша байъат қилган биринчи имоми билан низо қилса, ўша иккинчисининг гарданига уринглар», деб айтдилар.

Имом Муслим ривоятлари.